

## ЎТМИШГА НАЗАР

4 ЖИЛД, 11 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 4, НОМЕР 11

LOOK TO THE PAST

VOLUME 4, ISSUE 11



ТОШКЕНТ-2021

**Бош мухаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

**Муртазаева Раҳбар Ҳамидовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бош мухаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**Джураева Нилуфар Далибаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

**«Ўтмишга назар» илмий журнали таҳрири маслаҳат кенгаши**  
**редакционный совет научного журнала «Взгляд в прошлое»**  
**Editorial board of the scientific journal Looking into the past**

**Садгуллаев Анатолий Садгуллаевич**  
тарих фанлари доктори,  
профессор, академик,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бобожонова Дилором Бобожонова**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари  
университети

**Юнусова Хуршида Эркиновна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Кебадзе Мадонна**  
тарих фанлари доктори, Телави  
давлат университети, Грузия

**Аширов Адҳам Азимбаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти

**Аззамова Гулчехра Азизовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти

**Бурдишвили Майя**  
тарих фанлари доктори, Телави  
давлат университети, Грузия

**Кожакеева Ляззат Темировна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Хотин-қизлар давлат педагогика  
университети, Қозогистон

**Ульжаева Шохистахон Мамажоновна**  
тарих фанлари доктори,  
Тошкент ким - технология институти

**Бабаджанова Нодира Абдуллаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент.  
Ўзбекистон давлат жаҳон  
тиллари университети

**Ширванова Тарана Амирага кызы**  
тарих фанлари номзоди, доцент  
Азербайджон давлат  
иқтисодиёт университети

**Гоффоров Шоқир Сафарович**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Самарқанд давлат университети

**Эргашева Юлдуз Алимовна**  
Тарих фанлари доктори, профессор,  
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт  
институти

**Теймураз Ахалмосулишвили**  
профессор, Телави давлат  
университети, Грузия

**Халикова Раҳбар Эргашевна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Тошкент давлат техника университети

**Ишанходжаева Замира Райимовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна**  
тарих фанлари доктори, доцент  
Нукус давлат педагогика институти

**Мустафаева Нодира Абдуллаевна**  
тарих фанлари доктори  
Ўзбекистон Республикаси  
Фанлар академияси

**Махкамова Надира Рахмановна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Тошкент ахборот технологиялари  
университети

**Ерметов Аваз Абдуллаевич**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Джоробекова Айнур Эшимбековна**  
тарих фанлари номзоди, профессор,  
Дипломатия академияси,  
Қозогистон Республикаси

**Рахмонкулова Зумрад Бойхуразовна**  
тарих фанлари номзоди, доцент  
Ўзбекистон Миллий университети

**Расулов Абдуллажон Нуриддинович**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Наманган давлат университети

**Ковалев Борис Николаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Санкт-Петербург Тарих институти

**Кобзева Ольга Петровна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Ауанасова Алима Мусировна**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Давлат тарихи институти, Қозогистон

**Бегалинова Калимаш Капсамаровна**  
фалсафа фанлари доктори, профессор  
Ал-Фаробий номидаги Қозогистон  
Миллий университети, Қозогистон

**Хайдаров Муродилла Махмуталиевич**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Ўзбекистон Миллий университети

**Алиева Лале**  
тарих фанлари доктори,  
Озарбайжон давлат университети

**Саипова Камола Давлаталиевна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Исмайлова Алмаз**  
тарих фанлари доктори,  
Догистон мустақил университети

**Иноятова Диларам Маниглиевна**  
Тарих фанлари доктори (DSc)  
Ўзбекистон Миллий университети

**Одилов Аброр Анварович**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Толибоева Нодира Одилжоновна**  
Тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD)

Page Maker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

## МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT

<b>1. Надира Маҳкамова</b> ТУРКИСТОН ГЕНЕРАЛ-ГУБЕРНАТОРЛИГИДА ЖАМИЯТНИНГ ИЖТИМОЙ СТРАТИФИКАЦИЯСИ.....	4
<b>2. Фахридин Ёрматов</b> ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯЛАШНИНГ КУЧАЙТИРИЛИШИ ВА ХАЛҚИМИЗ ҲАЁТИДАГИ МУАММОЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШДАГИ ЎЗГАРИШЛАР (2016-2021 ЙИЛЛАР).....	11
<b>3. Икрамжон Исмаилов</b> КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШДА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИНИНГ КЕНГАЙТИРИЛИШИ.....	19
<b>4. Шерзод Курязов</b> МУЗЕЙ ЭКСПОЗИЦИЯСИ - САНЪАТ СИФАТИДА.....	27
<b>5. Отабек Маҳмудов</b> ТОЛЕДО МАКТАБИНИНГ ТАРИХИЙ ИЛДИЗЛАРИ I қисм: шакланишга асос бўлган омиллар.....	34
<b>6. Муҳайё Умарова</b> АҲМАД ДОНИШНИНГ “ТАЪРИХИ САЛТАНАТИ МАНФИТИЯ” АСАРИДА БУХОРО ҲУКМДОРИ АМИР ШОҲМУРОДНИНГ ТАЪРИФИ.....	45
<b>7. Икромжон Умаров</b> МИЛЛИЙ МУСТАҚИЛЛИК УЧУН КУРАШГАНЛАР.....	54
<b>8. Акмал Ўлмасов</b> ЎЗБЕКИСТОННИНГ ҚАДИМГИ ҚОЯТОШ СУРАТЛАРИНИ САҚЛАШ ВА МУЗЕЙЛАШТИРИШГА ДОИР.....	73
<b>9. Мунира Хатамова</b> ЎТМИШДАГИ ЖАМОАЛАР ЭКОЛОГИЯСИНИ ТИКЛАШДА ПАЛЕОЭТНОБОТАНИКА.....	79
<b>10. Иброҳим Хидиров</b> ҚАДИМГИ СУФДНИНГ ТАРИХИЙ ГЕОГРАФИЯСИ МАСАЛАЛАРИ.....	84
<b>11. Бахтиёр Халмуратов</b> ТАНДИР-ЎЧОҚ ВА У БИЛАН БОҒЛИҚ КУЛЬТЛАР ХУСУСИДА.....	92
<b>12. Солижон Құдратов, Шерзод Маъруфов</b> МИРЗАЧЎЛДАГИ ҚАДИМГИ СУВ ИНШОАТЛАРИ.....	97

# ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

**Бахтиёр Режавалиевич Халмуратов,**  
Наманган давлат университети доценти,  
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
E mail: baxtiyor\_m@mail.ru

## ТАНДИР-ЎЧОҚ ВА У БИЛАН БОҒЛИҚ КУЛЬТЛАР ХУСУСИДА

**For citation:** Bakhtiyor R. Khalmuratov, TANDIR- HEARTH AND THE CULTES ASSOCIATED WITH IT. Look to the past. 2021, vol. 4, issue 11, pp.92-96



<http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.5758155>

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада ўзбек халқининг кундалик турмуш тарзида муҳим ўрин тутган ошхона анжомларидан бири бўлган тандир ва у билан боғлиқ халқона қарашлар таҳлил қилинганд. Хусусан, мақолада асосий эътибор тандир қурилиши, унинг Фарғона водийси маҳаллий аҳолисининг кундалик турмуш тарзида тутган ўрни ва аҳамияти ўз ифодасини топган. Мақолада шунингдек, водий аҳолисининг тандир-ўчоқ культуга бўлган муносабати ва табулари дала-этнографик материаллар асосида илмий тадқиқ қилинганд. Шунингдек мақолада тандир билан боғлиқ турли хил қарашлар ва анъаналар, водий аҳолисининг этник ўзига хослиги тўғрисида фикр мулоҳазалар ўз аксини топган.

**Калит сўзлар:** Фарғона водийси, ўзбек халқи, маҳаллий аҳоли, ошхона анжомлари, тандир, ўчоқ, моддий маданият, маънавий маданият, табулар, урф-одатлар, маросимлар, нон, нонвойлар, нонвойчилик, ислом.

**Бахтиёр Режавалиевич Халмуратов,**  
Доцент Наманганского государственного университета,  
доктор философии по истории (PhD)  
E:mail:baxtiyor\_m@mail.ru

## О ТАНДЫР-ОЧАГА И КУЛЬТЫ СВЯЗАННЫХ С НЕЙ

### АННОТАЦИЯ

В данной статье анализируется тандыр, одна из важнейших кухонных принадлежностей в повседневной жизни узбекского народа, и популярные представления о нем. В частности, в статье рассматривается конструкция тандыра, его роль и значение в повседневной жизни местного населения Ферганской долины. В статье также исследуются отношение и табу населения долины к культу тандыра на основе полевых этнографических материалов. В статье также отражены различные взгляды и традиции, связанные с тандыром, а также мнения об этнической принадлежности жителей долины.

**Ключевые слова:** Ферганская долина, узбеки, местные жители, кухонная утварь, тандыр, печь, материальная культура, духовная культура, табу, обычаи, обряды, хлеб, пекарни, пекарня, ислам.

**Bakhtiyor R. Khalmuratov,**  
Associate Professor of Namangan State University,  
Doctor of Philosophy in History (PhD)  
E:mail:baxtiyor\_m@mail.ru

## TANDIR- HEARTH AND THE CULTES ASSOCIATED WITH IT

### ABSTRACT

This article analyzes the tandoor, one of the most important kitchen utensils in the daily life of the Uzbek people, and popular ideas about it. In particular, the article examines the construction of the tandoor, its role and significance in the daily life of the local population of the Fergana Valley. The article also examines the attitude and taboos of the valley population towards the tandoor cult based on field ethnographic materials. The article also reflects the various views and traditions associated with the tandoor, as well as opinions about the ethnicity of the inhabitants of the valley.

**Index terms:** Fergana Valley, Uzbeks, local residents, kitchen utensils, tandoor, oven, material culture, spiritual culture, taboos, customs, rituals, bread, bakeries, bakery, Islam.

**1. Долзарблиги.** Ҳар бир ҳалқнинг моддий ва маънавий хусусиятлари уларнинг хўжалик-иқтисодий фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлиб, у ижтимоий тарихий қонуният ҳисобланади. Масалан, оддий бир хўжаликни юритишда рўзгор учун зарур бўлган кўплаб ошхона жиҳозлари ва асбоб-анжомлар керак бўлади. Ошхона бурчагида ёки ҳовлининг бир четидан қурилган тандир ана шундай воситалардан бири ҳисобланган.

**2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси.** Мазкур мақолада қўйилган вазифаларни ҳал қилиш учун этник жараёнларнинг маҳаллий аҳоли кундалик ҳаётидаги ўрни, барча жараёнларни кўриб чиқишни талаб қилувчи тарихийлик, объективлик, тизимлилик каби асосий методологик тамойиллардан фойдаланилди.

Шунингдек, тарихий ва дала-этнографик маълумотлар, материаллар ва трансформацион жараёнларни ёритищда тарихий тақослаш ҳамда мантикий умумлаштириш тамойилларига алоҳида эътибор қаратилди. Мақолани ёритиш жараёнида К. Маҳмудов, К. Шониёзов, А. Аширов ва М. Файзулаева каби этнограф олимларниг тадқиқотларида алоҳида эътибор қаратилди.

### 3. Тадқиқот натижалари.

Маълумки, тандир – нон, сомса, кабоб ва бошқа таомларни ёпиб пишириш учун қурилган маҳсус лой ўчоқ ҳисобланади. Тандир ясаш учун эчки ёки тужун лойга қўшиб қорилади. Яхши пишитилгач, устига намакоб сепиб, латта билан ўраб қўйилади. Бир неча соатдан кейин қайта тепиб пишитилади, сўнгра эни 20–30 см, қалинлиги 8–10 см, бўйи 80–90 см атрофида бўлак-бўлак парчалар тайёрланади ва улардан бир нечтасини бир-бирига тикка қилиб ёпишириб тандир ҳосил қилинади [1. Б. 191]. Айрим тандирсозлар тандир ясаш учун цилиндрисимон чуқур (қолип) қазиб, шу чуқур деворига тайёрланган лой бўлакларини ёпиширадилар. Тандирнинг ичи намакоб сепиб силлиқланади.

Хонадонларга қуриладиган ўртacha тандирнинг ички диаметри 0,8 м чамаси, ердан 0,8–1 м баланд қилиб ўрнатилади. Бундан каттароқ тандирлар новвойхоналарга қурилади. Бухоро ва Самарқандда тандирлар ерга ёки маҳсус супага оғзи тик қилиб қурилса, Фарғона водийси ва Тошкентда ётиқ қилиб ўрнатилади. Атрофларига тутун тортадиган ва ҳаво кирадиган тешик (10–15 см ли)лар қилинади. Янги қурилган тандирнинг ички деворларига пахта ёғи суркаб, бир кечакундуз давомида олов ёқиб қўйилади. Шундай қилинса, ёпилган ноннинг орқасига кесак илашмайдиган бўлади. Тандир нон ёпишдан олдин шох-шабба,

яントоқ, фўзапоя, ўтин ва бошқалар билан оқаргунча қиздирилади [2. *Дала ёзувлари. Фарғона вилояти Дангарга тумани Тумор қишилоги. 2018 йил.*].

Этнограф М. Файзулаеванинг ёзишича, Сурхондарёда тандирлар ўрнатилишига қараб “ер тандир” ҳамда “девори тандир”ларга бўлинади. Девори тандирдан асосан, новвойлар фойдаланса, аҳоли хонадонларида эса ер тандир қурилади. Ер тандир тайёрлаш маҳсус усталардан ташқари маҳаллий аҳоли, кўпроқ аёллар зиммасига юкланган. Тандир қуришда дуч келган лойни ишлатаверилмай, маҳсус тандир лойи – гилмоядан фойдаланилган. Буни Сурхон воҳасида саққизлой (сақичлой), деб ҳам атайдилар. Мазкур лойни тайёрлаш жараёнида эчки жуни ва сомон аралаштириб, оёқ яланг ҳолатда товоң билан тепиб, ишлов берилган. Яхшилаб пишитилган лой ерда маҳсус ўйилган қолипга тасма-тасма шаклида жойлаштирилиб, тахтакач билан яхшилаб урилган, қолипдаги лой қуригандан сўнг, чиқариб олинган ва ўрнатилган [3. Б. 56].

Фарғона водийси аҳолиси қадимдан тандир-ўчоққа жуда катта эътиқод билан ёндашган. Ахборотчилярнинг фикрича, тандир-ўчоқнинг ўз пири бўлиб, эскирган тандирни бузатётганда “Ҳазрати Мирикулол бобо”нинг руҳларига атаб иккита нон синдирилган. Янги тандир ўрнатишдан олдин ҳам бешта чўзма қилиниб, тандир пирларига атаб чироқ ёқилган. Қишлоқ қариялари тандирни “барчани лол қолдирган мулк”, деган маънода “мулкил”, деб атайдилар [4. *Дала ёзувлари. Фарғона вилояти Дангарга тумани Урганжси қишилоги. 2017 йил.*].

Янги тандирга хонадон хўжайини биринчи бўлиб олов ёқсан ва у бир кеча-кундуз давомида тутатиб қўйилган. Олов ёқаётганда ҳазориспанд ташланса, янги тандирни ёрилиб кетишдан сақлайди, деб ишонилган. Бундан ташқари, янги тандир ёрилиб кетмаслиги учун унга дастлаб олов ёқаётган киши оғзини очмаслиги керак экан. Тандирда биринчи марта ёғли патир пиширилиб, қўни-қўшниларга тарқатилиб, ушбу одат хонадоннинг янги тандир соҳиби бўлганлигини англатади.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, аввало, тандир-ўчоқнинг атрофи ёпиқ бўлиши керак бўлган, чунки кўчадан ҳар хил одамлар ўтиб қайтади, бегонанинг назари тушмаслиги керак, деб ўйлаганлар. Нон пишириб олгандан кейин тандирга ёпишиб қолган нон қолдиқлари (пуштаклари) кириб ташланган, уларни тандирда қолдириш увол ҳисобланган. Нон ёпиш учун ишлатиладиган супра, рапида ва енгча каби анжомлар алоҳида дастурхонга ўраб қўйилган. Нон ёпиб бўлингандан кейин баракаси кетмасин деб, тандирнинг оғзи ёпиб қўйилган [5. *Дала ёзувлари. Наманган вилояти Поп тумани Қўшишена қишилоги. 2017 йил.*].

Фарғона водийсида қадимдан тандир хосиятли ҳисобланиб, нопок, ғусл қилмасдан тандир-ўчоқ ёнига бориш ва улар билан боғлиқ анжомларни кўлга олиш гуноҳ саналган. Бундан ташқари, тандир-ўчоқ устига чиқиш, увол бўлади деб, ман қилинган. Чунки, тандирга қадимдан озодалик ва ҳалоллик рамзи сифатида қаралиб, момоларимиз ёшларни доимо тандир-ўчоқларни улуғлашга, қадрлаш ва доимо тоза сақлашга ўргатганлар. Шунингдек, тўй-маъраканинг катта ўчоги тўғри келган жойдан қазилавермай, аввало тоза, покиза жой танланган. Ўчоқ боши қибладан бошқа томонга қаратилиши шарт бўлган. Тўй ўчогини доимо тўй-тўйга улансин, тўй тилаб турсин, деган мақсадда ширинликлар ташлаб кўмишган. Хонадонга янги тушган келин янги ҳовлидаги тандир-ўчоқнинг ёнига олиб борилиб, таъзим қилдирилган ва ўчоқнинг бошида келинга қўйруқ тўғратилган.

Хўжалик юритишда, оилани тебратишда тандир-ўчоқнинг ўрни ниҳоятда муҳим бўлган. Шунинг учун, тандир-ўчоқ устида доимо гугурт, туз, қалампир, пичоқ туриши лозим бўлган. Улар тандир-ўчоқнинг баракаси ҳисобланган. Ҳар куни тандир олдига бориб, яхши ниятлар изҳор этиш, кишини мурод-мақсадига етказади, деган тасаввурларга ишонганлар. Тандир-ўчоқ эъзозланганлиги учун унга туфлаш, овқат қолдиги, тирноқ, чиқинди, супуринди ва шунга ўхшаш ифлос нарсаларни ташлаш, гуноҳ саналган, уй ҳайвонларидан от ва эшак тезагини ёкиш ман қилинган [6. *Дала ёзувлари. Фарғона вилояти Дангарга тумани Қақир қишилоги. 2018 йил.*].

Тандир-ўчоқ анжомлари билан ҳам халқимиз томонидан баъзи магик амаллар бажарилган. Масалан, бўйи ўсиб кетаётган ўспирин қизларни тандир ёнида аммаси, елкасига рапида (нон ёпгич) билан уч марта урса, бўйи ўсишдан тўхтайди, деб ишонганлар. Тандир

косовининг ҳам соғлиқ учун фойдаси катта деб, қизиб турган косовни сувга ботириб, шу сув «кўйк йўтал» бўлган болаларга ичирилган. Тандир косови албатта, мевасиз дараҳт бутогидан тайёрланган. Косов ишлатилгандан сўнг оёқ остига ташланмаган, ундан ҳатлаб ўтилмаган, у ҳеч қачон тик қўйилмаган, унинг тик қўйилиши оиласа пурер етказади, деб тушунилган [7. Дала ёзувлари. Наманган вилояти Тўракўргон тумани Бордимкўл қишлоғи. 2018 йил].

Тарихдан маълумки, кулолчилик хунармандчилигининг муҳим бир тармоғи тандирчилик бўлиб, тандирлар водийнинг барча минтақасида уй шароитида ясаб келинган. Жумладан, В. Наливкина XIX аср охирида Наманган уездининг Нанай, Кўкёр, Қизилёзи ва Оқтом каби тоғ олди қишлоқларидағи аҳоли ўзи учун тандир ясашни қайд этган эди [8. С. 28.]. Шунингдек, тандир ясаш хунари шимолдаги Чодак ҳамда Санг, жанубдаги Оқ ер ва Гулқишлоқ қишлоқларида равнақ топган эди. Тандир ёнғок, чинордан ясалган товокча, сопол ғўндақ, бандак ёрдамида ясалиб, уни даскир, дехқонбоб, нимча, икки ярим пеш, уч пеш, сомсапаз, ўчоқ тандир, тўй тандир турлари бўлган. Шунингдек, ушбу даврда ўчоқ тандир тури ҳам ясалган.

Маълумки, кулолчилик водийда жуда қадимдан мавжуд бўлиб, юқорида номлари келтирилган тимсоллар анча кеч кириб келган. Сабаби, кулолчилик билан бир соҳага кирувчи тандирчилар ҳомий-пир мисолида буни кўриш мумкин. Ўтроқ ўзбек тандирчилари берган маълумотга кўра, улар пири “Мехри кулол” саналади. Ва уни қабри Сўх туманининг Гул қишлоғида жойлашган [9. Дала ёзувлари. Фарғона вилояти Риштон тумани Зоҳидон қишлоғи. 2018 йил]. Қўқон яқинидаги Гул қишлоғи тандирчилари бир йилда бир марта баҳорда Бувайдадаги Пошшопирим зиёратгоҳида йиллик анжуманларини ўтказиб турганлар [10. Дала ёзувлари. Фарғона вилояти Бувайда тумани Бўстонбува қишлоғи. 2018 йил].

Ўчоқ тандир Риштоннинг жанубий туманларида кенг тарқалган бўлиб, “Оштан” деб аталган. Унда қозон осилиб, овқат тайёрланган, қолган чўғда уни деворига нон ёпилиб пиширилган. Тандир мустаҳкамлигини ошириш учун лойига қўй, эчки жуни қўшилган [11. Дала ёзувлари. Фарғона вилояти Риштон тумани Зоҳидон қишлоғи. 2018 йил].

Тандир ясаш учун пишитилган лой гувала қилиб ажратиб олиниб, икки метр узунлиқда пеш лой қилиб ёзилади. Лой кўтариш мумкин бўлган даражага етказилгач, у кўтариб айлана қилиб бирлаштирилади. Ичкарисидан ғўндақ, ташқарисидан товонча билан уриб мустаҳкамланади. Маълумки, лой ёзда 15–20 минутда етилади. Сўнгра яна бир пеш лой ёйсимон қилиб ёзилади. У кўтариб, таглик устига қўйилади. Икки қисм тош билан бир-бирига едириб улаб чиқилади. Ғўндақ ва товонча билан ишлов берилади. Иккинчи пешни тепаси ичкарига эгиб тандир елкаси чиқарилади. 1 соатда у ҳам етилади. Узун оғир лой қилиниб, тандир оғзи боғланади. Лапкаш билан (кигиз бўлаги) сувлаб силлиқланади. Тандир қуригач, у тайёр бўлади. Буюртмачига беришдан аввал ёриқлари бўлса, ширали лой билан ямаб чиқилади [12. Б. 58.].

Аслида тандирчиларни пири афсонавий Мехри Кулол бўлиб, қабри Сўхнинг Гул қишлоғида дейилади. Пошшопиримни ўзига хос жиҳати бу ерга фақат эркак хунармандлар эътиқод қилганлар, яна бу ерда биз хунармандларни қадимий ҳомий-пир тимсолига боғлиқ ҳолда эркак хунармандларни эркак сиймосидаги “авлиёларга” топиниш культига дуч келамиз. Шунингдек, Бувайда тумани ҳудудидаги “Бостонбува” зиёратгоҳига атрофдаги 40 та қишлоқдаги хунармандлар топинганлар. Зиёратгоҳи имоми Ортиқали Каримов сўзларига кўра, ушбу обьект XIV асрда яшаган Хожа Боязид Бастомий мақбараси асосида вужудга келган [13. Дала ёзувлари. Фарғона вилояти Бувайда тумани Бўстонбува қишлоғи. 2018 йил].

Ўз ўрнида шуни қайд этиш мумкинки, тандир нафақат ризқ-рўз манбаи, қолаверса, даволаш анжоми ҳам ҳисобланади. Водийнинг баъзи бир ҳудудларида яшовчи шомон-табиблар тандирдан ҳам унумли фойдаланадилар. Масалан, учқўприклик Мақсуда бахшининг сўзларига қараганда, табибнинг меҳнати деганда биргина касални даволашда қилган фаолиятини тушунмаслик керак. У ўз олдига келган шамоллаш касаллигига дучор бўлган беморларни турли қизиган тандирга солиш орқали даволайди [14. Дала ёзувлари. Фарғона вилояти Учқўприк тумани Қақир қишлоғи. 2010 йил].

#### 4. Хуносалар.

Хулоса сифатида шуни қайд этиш мумкинки, ўзбек халқи этномаданиятининг таркибий қисмларидан бири бўлган уй-жой қурилиши билан боғлиқ анъаналари қадим тарихга эга бўлиб, инсонларнинг жисмонан, ақлан ва руҳан камол топишида муҳим роль ўйнайди. Тадқиқот жараёнида халқимизни тандир қуриш ва унга нон ёпиш билан боғлиқ урф-одатлар, ошхона асбоб-анжомларига бўлган муносабат, яъни уларга нисбатан эҳтиёткорлик ва покизалик каби қадриятларимизни ёритиш масаласига алоҳида эътибор берилди. Маҳаллий аҳоли орасида ризқ-рӯз ва барака манбаи ҳисобланган тандир билан боғлиқ турли хил қараш ва анъаналарга тўхтатган ҳолда водий аҳолисининг этник ўзига хослиги ва майший турмуши ҳакида тасаввур ҳосил қилишга ёрдам беради.

### **Иқтибослар/Сноски/References:**

1. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. – Тошкент: ЎзМЭ, 2002. Т.9. – Б. 91. (National Encyclopedia of Uzbekistan. - Tashkent: UzME, 2002. T.9. - P. 91.)
2. Дала ёзувлари. Фарғона вилояти Данғара тумани Тумор қишлоғи. 2018 йил. (Field records. Tumor village of Dangara district of Fergana region. 2018.)
3. Файзуллавева М. Сурхон воҳаси ижтимоий ҳаётида таомлар билан боғлиқ анъана ва маросимлар (XX асрнинг биринчи ярми). Тарих. фан.ном.илмий.дар.олиш учун.ёзил.дисс. – Тошкент, 2009. – Б. 56. (Fayzullaveva M. Traditions and rituals associated with food in the social life of the Surkhandarya oasis (first half of the XX century). History. diss. - Toshkent, 2009. - P. 56.)
4. Дала ёзувлари. Фарғона вилояти Данғара тумани Урганжи қишлоғи. 2017 йил. (Field records. Urgenji village of Dangara district of Fergana region. 2017.)
5. Дала ёзувлари. Наманган вилояти Поп тумани Кўштепа қишлоғи. 2017 йил. (Field records. Koshtepa village of Pop district of Namangan region. 2017.)
6. Дала ёзувлари. Фарғона вилояти Данғара тумани Қақир қишлоғи. 2018 йил. (Field records. Qaqir village of Dangara district of Fergana region. 2018.)
7. Дала ёзувлари. Наманган вилояти Тўрақўрғон тумани Бордимқўл қишлоғи. 2018 йил. (Field records. Bordimkul village of Turakurgan district of Namangan region. 2018.)
8. Наливкин В. В., Наливкина М. В. Очерки быта женщины оседлого туземного населения Ферганы. – Казань: Университет, 1886. – С. 28. (Nalivkin V.V., Nalivkina M.V. Essays on the life of a woman of the sedentary indigenous population of Fergana. - Kazan: University, 1886 .- P. 28.)
9. Дала ёзувлари. Фарғона вилояти Риштон тумани Зоҳидон қишлоғи. 2018 йил. (Field records. Zahidon village of Rishtan district of Fergana region. 2018.)
10. Дала ёзувлари. Фарғона вилояти Бувайда тумани Бўстонбува қишлоғи. 2018 йил. (Field records. Bostonbuva village of Buvayda district of Fergana region. 2018.)
11. Дала ёзувлари. Фарғона вилояти Риштон тумани Зоҳидон қишлоғи. 2018 йил. (Field records. Zahidon village of Rishtan district of Fergana region. 2018.)
12. Файзуллавева М. Сурхон воҳаси ижтимоий ҳаётида таомлар билан боғлиқ анъана ва маросимлар... – Б. 58. (Fayzullaveva M. Traditions and ceremonies associated with food in the social life of the Surkhandarya oasis ... - P. 58.)
13. Дала ёзувлари. Фарғона вилояти Бувайда тумани Бўстонбува қишлоғи. 2018 йил. (Field records. Bostonbuva village of Buvayda district of Fergana region. 2018.)
14. Дала ёзувлари. Фарғона вилояти Учкўприк тумани Қақир қишлоғи. 2010 йил. (Field records. Qaqir village of Uchkuprik district of Fergana region. 2010.)

**ЎТМИШГА НАЗАР**  
**4 ЖИЛД, 11 СОН**

**ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ**  
**ТОМ 4, НОМЕР 11**

**LOOK TO THE PAST**  
**VOLUME 4, ISSUE 11**